

## Сийрат дарслари (214-дарс) Баъзи шеърда ҳикмат бор



19:00 / 21.01.2023 3574

830. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, баъзи шеърда  
ҳикмат бор», дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

\* \* \*

831. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳассонга масжидда**

минбар қўйиб берар эдилар. У унда тик турганича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан фахрланар ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Модомики Ҳассон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилар ёки у зот билан фахрланар экан, Аллоҳ албатта уни Рухул Қудус (Жаброил) ёрдамида қўллайди», дер эдилар».

*Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

\* \* \*

832. Рубаййиъ бинт Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўйим бўлган куни келиб, худди сен ўтирганга ўхшаб тўшагимга ўтирдилар. Шунда қизчалар чилдирма чалиб, Бадр куни қатл бўлган оталарим ҳақида хиргойи қилишди. Улардан бири: «Орамизда эртага нима бўлишини биладиган Набий бор», деди. Шунда у зот: «Буни қўй, аввал айтаётганингни айт», дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

\* \* \*

833. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Қиёмат куни ҳар бир вафосиз учун алоҳида байроқ тикилади ва «Мана бу Фалон ибн Фалоннинг вафосизлиги» дейилади», дедилар».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**